

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Дастлаб америкалик меҳмон Самарқанддаги «Сабр» ишонч маркази фаолияти билан танишди. Мазкур марказ оидани мустақамлаш ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ муаммолар билан шуғулланади.

Мадлен Олбрайт шаҳардаги қадимий меъморий ёдгорликларни томоша қилишни Регистон майдонидан бошлади. У Шоҳи Зинда мажмуи, Гўри Амир мақбараси ва Бибиҳоним мадрасасини мароқ билан кўздан кечирди.

АҚШ давлат котиби «Сиб» бозорида бўлиб, бозорларимизнинг саҳий ўзбек заминада етиштирилган ноз-неъматларга бойлигига шохид бўлди. Айниқса, Олбрайт хонимга ўзининг исми ёзилган машҳур Самарқанд нони тақдим этилганда, у хайратини яшира олмади.

Самарқанд сафари чоғида АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари «Мерос» ва «Усто» халқ амалий санъати марказлари фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда маҳаллий усталар томонидан тайёрланган миллий кийимлар, хунармандлик буюмлари меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Мадлен Олбрайт хоним Бухоро шаҳрида бўлганида яхудиёлар синагоғасида ибодат қилди. Ибодат сўнггида АҚШ Давлат котиби чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун интервью бериб, жумладан, шундай деди:

«Мен ҳозиргина синагоғада жаҳон халқларига тинчлик тилаб ибодат қилдим, шамчироқ ёқдим. Ўзбекистонда, яна такрор айтман, Ўзбекистонда барча динларга бир хил эътибор берилаётгани, виждон эркинлиги тўла таъминлангани мени жуда қувонтирди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзийди...»

Шундан сўнг Олбрайт хоним Бухоро хунармандлари марказини томоша қилди. Нодир Девонбегим мадрасасида ташкил қилинган Бухоро хунармандлари, зардўзлари, калдакорлари, заргарлари маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Пойи Калон мажмуи, айниқса, Масжиди Калон тарихий обидаси америкалик меҳмонларни ҳайратга солди. М.Олбрайт Марказий Осиёдаги бу энг катта масжид Бухоро шаҳрининг юбилейи арафасида шахсон Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси ва амалий ёрдами билан таъмирлангани, аслига қайтарилганини эшитиб хурсанд бўлди.

«Бухоро, ҳақиқатан ҳам, Шарқ гавҳари экан», - деди сафар сўнггида М.Олбрайт, - мен бу қадимги маданият ва дин ўчоғини зиёрат қилар эканман, кўнглим гоятда кўтарилди.

Анвар КАРИМОВ,  
Илҳом САФАР,  
ЎЗА мухбирлари.

ларни улуғлаб, хизматини қилиб дуосини олганлар эса икки

чоё устида оқсоқоллар кенгаши уюштирилиб, дуолари олинди.

Косонсойлик Абдулаҳадхўжа Каттабоев юртимизнинг ана шундай пиру бадавлат отахонларидан. 105 баҳорни қаршилаган табаррук инсон тарихнинг тирик гувоҳи.

«Не-не даврларни, не-не кунларни кўрмадик, - дея хўжоя қилади Абдулаҳад ота, - ҳаётдан олган сабогим шуки, у инсондан қоладиган эзгу сўз, яхши ном. Аллоҳга шукрки, икки асрда кўрмаган яхшилигу меҳрни мустақиллик туфайли, меҳрибон йўлбошчимиз Ислам Каримовнинг кучли салоҳияти туфайли кўрдик. Озодлик ниятларимга эш, юрагимга қувват, фарзандларим камолоти қанот бўлди.

Абдулаҳад ота сўзлайверади, сўзларидан тарихнинг сирли сандиғи очилади, ҳақиқат буй кўрсатади. Юзларидаги сонсаноксиз ажинларда машаққатли ҳаёт йўли акс этса, қўлларидидаги қадоклар эса шўро даврида ўз даромадига эгалик қилмаган деҳқоннинг дарди, оғриқли қисматидан гувоҳлик беради.

Абдулаҳад ота фарзандларини меҳнатсевар, тўғриси, қилиб тарбиялади. Бугун эса умид билан эккан ниҳолларидан баҳраманд бўлиб, 25 неварга, 45 чевара, 12 эваранинг табаррук бобоқолони бўлиб қариллик гаштини сураётти.

# ИШОНЧ



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 апрел, чоршанба №55 (887)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 апрел куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, М.Олбрайт орқали АҚШ ҳукумати ва халқига эҳтиромини изҳор этди. Мазкур ташрифни икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига туртки берадиган муҳим тадбир, деб билишини таъкидлади.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



«АҚШ Давлат котиби охириги марта 1992 йилда Ўзбекистонга келган эди», - деди Президент учрашувда. - Ушбу ташриф

АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиши ошиб бораётганидан дарак беради.

Мадлен Олбрайт бу учрашувга қадар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб келганди. Учрашувда ана шу сафар таассуротлари билан ўртоқлашди.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Суратда:  
Қабул пайти

Абдувоҳид Тўраев,  
(ЎЗА) олган сурат.

### «Ишонч»га мактуб

## СИРДАРЁДА БЕКОРЧИ БЎЛМАЙДИ

Юртбошимиз Сирдарёда бўлганларида гурурли, анъанага содиқ қўлуварлар авлодида катта ишонч билдириб, қишлоқ ҳўжалигидаги оқсашларга барҳам беришга даъват этдилар.

Шу боис, ҳозир барча ерда, ишда тўб бурилиш ясаш, қолоқликни чекинтириш, ерни ўз эгаси қўлига топшириш йўллари изланмоқда. Бугун учраганим ўз «оҳ-воҳи» билан маҳзун қилиб юрган фермернинг ҳам елкасига офтоб теккандек. Имконият кенг, дала бепоеъ, билгадида кучи бор азамат олдидан тўсиқ йўқ. Нимадир бўлаётгандек. Энг муҳими, даладан кўнгли совиб, қўлини қўлтиққа урганлар қалбидан умид ўчунлари яна торларди.

— Уч йилдирки, уч азамат ўғлим бекорчи бўлиб қолди, - дейди кекса деҳқон Қўйли ота Усмонов. - Ҳўжаликда ишлаб қосамиз оқармағач, қўл силтаб қўйгандик. Етмиш ёшли мендек қариянинг юрағига Президентимиз чўғ ташлаб қўйди. У кишининг «Ўз тақдиримиз ўз қўлимизда, уни фақат ўзимиз яратаемиз», деган гапларини ҳечам эсдан чиқармайман. Гапнинг рости, ўзимдан, фарзандларимдан уялдим. Оиламиз билан ҳеч иккиланмасдан 20 гектар ер олиб фермер ҳўжалигимизни очдик. Уйдаги ўн киши ишли бўлди. Ариқ ва зовур атрофига минг тулға яқин терак ва тут қўчатлари ўтказдик. Ерни оқишга тахт қилиб қўйдик. Жорий йилда мўлқўл хирмон кўтаришини режалаштирганмиз. Бунга барча имкониятлар бор.

Вилоятдаги юздан ошқ серфарзанд оилалар кейинги ўн беш-йигирма кунда ўз деҳқон-фермер ҳўжалиқларини очишга эришди. Фермерлик ҳаракати кенг йўл берилиши, бу борадаги говлар бар-тароф этилгани одамларнинг далага қайтишига катта рағбат уйғотмоқда. Вилоятдаги бир қатор ташкилотлар ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб фермер ҳўжалиқларини ташкил этишга бел боғланлар. Айни чоғда Гулистон шаҳридаги 31 та нуфузли ташкилот ўз тadbиркорларига эга бўлишди.

Мирзаобод тумани шундоқ шаҳар яқинида жойлашгани боис, ерга талабгорлар кам эди. Эндиликда манзара тамомила бошқача. Вилоят корхона ва ташкилотлари фермер ҳўжалиғи ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди. Қаровсиз қолган ер эгасини топмоқда.

Вилоят дон маҳсулотлари корхонаси Мирзачўл ширкатлар уюшмасидан 98 гектар, Мирзачўл МККси 37 гектар, «Пахтаसानоатсотиш», «Агроташсервис» хиссадорлик жамиятлари 90-120 гектар ерга эгалик қилмоқда. 3,5 минг гектар ер майдони ана шундай талабгорларга топширилди. Янгиерликлар эса қўриқ Меҳнатобод тумани далаларидан кўним топишди. Ишчи кучи кам бўлган тумандаги 1030 гектар ер майдони шаҳарликларга тақсимлаб берилди. Ўрни келганда табиий бир савол қўнданган бўлиши турган гап. Шаҳар ташкилотлари фермерлик юқини торта олармикан?

— Бу кўп бора тажрибадан ўтказилган усул, - дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Абдусаттор Мўхаммедов. - Ўз ёрдамчи ҳўжалиғига эга унлаб ташкилотлар бой тажриба тўллашган. Мўмай даромад ҳам олиш шаяпти. Ишлаб топилган маблағ ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга, иш шaroитини яхшилашга сарфланса ёмонми. Ташкилотнинг қўшимча даромад манбаини излаши жамоага катта имкониятлар эшигини очди. Уйлайманки, бу ташаббус тўла ўзини оқлайди.

Дарҳақиқат, бугун эскичасига яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Одамлар ерга онгли равишда талпина бошлади. Кувончлиси, деҳқон меҳнати ўз қадрини топяпти. Битмас-туганмас ҳазина мирзачўлликларга ўз бағрини очса не ажаб.

Кодир ХОЛБОВ,  
Агроташсервис мажмуи ходимлари  
касаба уюшмаси Мирзаобод  
туман кўмитаси раиси.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Боинг-667» замонавий ҳаво лайнери «Лондон-Урганч-Тошкент» янги трансконтинентал йўналиши бўйича учиб, Хоразм аэропортига келиб қўнди. Бу билан Урганч аэропортининг халқаро мақомга эга эканлиги амалда исботланди.

Аэропортга бу мақом расмий тарзда ўтган йили, уни замонавийлаштиришнинг биринчи босқичи яқунланганидан сўнг берилган эди.

### ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

ган хайрли ишлар ҳам эътиборни ўзига тортади. «Шифокор» саломатлик маскани фаолияти кенг йўлга қўйилмоқда. Институтнинг бу тиббий оромгоҳи Бўстонлик туманининг Чорбоғ сув омбори бўйида жойлашган бўлиб, унда турли муолажалар олиб борилмоқда. Бу ерда ҳар мавсумда 600-700 киши ўз саломатлигини тикламоқда. Езги кинотеатр, клуб чинакам дам олиш масканларига айланган.

Бундан ташқари республикамиздаги бошқа даволаш, дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилмоқда.

«Актёр» студияси директори Аббор Турсунов ва Хамза номли театр актёри Фотиҳ Жалолов ташриф буруришганда, Меҳмонлар фильмининг тарбиявий аҳамияти ҳақида атрофлича тушунча бердилар. Фильмининг навбатдаги қисмлари мазмуни билан солиқчиларни таништирдилар. Санъат асарини яратишда миллийликни, қадриятлар ва шарқона ўзига хослиқни сақлаб қолиш йўлидаги изланишлар устида ҳам алоҳида тўхталдилар.

Навий номли опера ва балет катта театри солисти Хотам Йўлдошев ижро этган миллиятни ва мустақилликни мадҳ этувчи қўшиқлар мавзу мазмуни янада бойитди.

Бундай қизиқарли машғулотлар тингловчиларнинг талаб ва тақлифлари асосида ташкил этилаётти.

Ж.НОСИРОВ,  
Давлат солиқ кўмитаси Матбуот  
хизмати раҳбари.

## ХАЛҚАРО АЭРОПОРТ

Кўниш ва учиш йўллари қайта таъмирланиши ҳамда замонавий ёруғлик сигналлари билан жиҳозланиши, шунингдек, бир қатор бошқа тадбирлар бу ерда энг замонавий самолётларни қабул қилиш ва жўнайтиш имконини берди.

Халқаро талабларга жавоб берадиган янги терминал тантанали равишда очилган кун-

нинг эртасига биринчи бор ҳаво лайнери Лондондан тўхтовсиз учи келди. Эндиликда, ҳафтада бир марта Буюк Британия пойтахтига ва келажакда - Фарбий Европанинг бошқа шаҳарларига жўнаётган маллакатимиз фуқаролари ва меҳмонлари аэровокзал мажмуи хизматидан фойдаланади.

### Пири бадавлатларимиз

## МЕНИНГ ЁШИМГА ЕТИНГ!

Нуроний чеҳрасида самимият, меҳр, қувонч ва улғуворлик акс этган, оппоқ соқоли кўксига тушган хизирсифат отахонни кўриб кўнглингиздан нима гап ўтганини



ларидан эл-улус тинч-хотиржам, доно маслаҳатлари теграсида баркамол авлод воёга етади. Нуронийлар дуоси дунёни бус-бутун ушлар туради. Чунки билмадигу аммо лабларингиз пичирлаб «бизни ҳам шу ёшга етказсин» дея иймон келтирдингиз рост. Негаки табаррук отахонлар нафақат ўз хонадонининг балки жамиятнинг, миллатнинг кўркидир. Уларнинг яхши ниятлари билан тонглашимиз бегубор, нурли дуо-

105 ёшли отахон

### «Тўрткўл» хиссадорлик жамияти Россиянинг Савинск шаҳридаги ип йигирув фабрикаси билан қўшма корхона тузиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Ҳужжатга биноан россиялик ишбилармонлар «Тўрткўл»

ЯНА БИР  
ҚЎШМА  
КОРХОНА

хиссадорлик жамиятининг 4 миллион 664 минг сўмлик акциясини сотиб олди. Режага кўра қўшма корхонада ҳар йили 1,5 минг тонна калава ип тайёрланиб, унинг барчаси хорижга экспорт қилинади.

## БАРЧА МАНФААТДОР

Солиқ идораларида иш ҳафтасини «Маърифат соати» билан бошлаш яхши анъанага айланиб бораётти. Унда ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар, ўқилаётган маърузалар ходимларни комил инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қилапти.

Яқинда Давлат солиқ кўмитаси Марказий идораси ходимлари «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Ойинса Мусурмонова билан учрашиб «Соғлом авлод - Ватан қаноти» мавзусидаги маърузани тинглаган эдилар. Машғулотнинг иккинчи қисмида Хамза номли мусиқа билан юрти талабалари скрипкада жаҳон ва республикамиз композиторларининг мумтоз асарларидан намуналар ижро этиб олқиш олдилар.

Кейинги машғулотда миллий мафкура-ни тақомиллаштиришда адабиёт ва санъатнинг роли хусусида алоҳида гап борди. Шу кунги солиқ тизими ҳаётидан суратга олинган ўн қисмдан иборат «Бурч»

# ВАТАНИ СЕВ, ТУПРОФИНИ ЎП

**Ўзбекистон касаба уюшмалари адабиёт, санъат, бадий ҳаваскорлик соҳаси ходимлари ташаббуси билан ўтказилган «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик-танлови муваффақиятли якунланди.**

Ватанга муҳаббат. Бу муқаддас туйғу ҳар бир инсон қалбига она суги ила йўғрилади. Шунинг учун ҳам Ватан сўзи Она сўзи билан ёнма-ён юради. Кимнингки, юрагида ўзи тугилиб ўсган, киндик қони томан юртга муҳаббат жўш уриб турса, у Ватан раванга йўлида фидойилик кўрсатаверади.

Кишилар қалбига она - Ватанга муҳаббат туйғусини янада кучайтириш, бобомерос қадриятларимизни эъзозлаш, қадимий анъана ва урф-одатларни ёш авлод онгига сингдириш, халқимизнинг фақат ўзига хос бўлган ажойиб фазилятларни тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг

адабиёт, санъат, бадий ҳаваскорлик ижодиёти соҳаси ходимлари иштирокидаги «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик-танлови республикамизнинг барча бурчакларида юқори кўтаринкилик билан ўтказилди.

Яқинда Тошкент шаҳридаги темирйўлчилар маданият саройида кўрик-танловнинг якунлови босқичи бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари О. Муҳиддинова муҳим тадбирнинг ёшлар ҳаёти, фаолиятига самарали таъсири ҳақида тўхталди.

Кўрик-танлов низоҳатда жозибали ва қизиқарли ўтди. Биз танлов якунида унинг голиблари билан суҳбатлашдик.

**Шоира Шарипова**, Бухоро вилояти Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими ходими:

- Оиламизда адабиёт, санъат низоҳатда қадрланади. Отанам халқ кўшиқларини эъти-

бор билан тинглайдилар. Улар болалигимиздан онгимизга Ўзбекистон жаннатмакон юрт, бу юртда тугилиб ўсиш улкан бахт эканлигини сингдирганлар. Бу туйғу Ватанимиз мустақилликка эришгач, янада кучайди. Мен қадимий, узоқ йиллик тарихга эга бўлган азим Бухорода тугилиб ўсганлигим билан фахрланаман. Эҳе, нене буюк алломалар, олим ва фозил кишилар яшаб ўтган бу маконда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик-танлови ўтказилаётганлигини эшитиб, биринчилардан бўлиб ҳужжат топширдим. Мақсадим - дилимда жўш уриб турган ўтли туйғуларни бошқаларга ҳам ошқор этиш эди. Мен танловда Фарида Афрўз шевъри билан «Ватаним сев, онангадэй сев» кўшигини ижро этдим. Танловда голиб бўларман деб ўйламаган эдим. Ҳакамлар ҳайъатининг одилона баҳосини

олиб, голиблик шохсупасига кўтарилдим, хурсандман.

**Бахтиёр Содиқов**, Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи ходими:

— Мен бугун низоҳатда бахтиёрман. Чунки, «энг яхши халқ амалий ижодиёти» жанри бўйича голиб деб топилдим. Ўзбекистон касаба уюшмалари Мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлдим. Албатта, голиблик номини олиш осон бўлмади. Лекин меҳнатларим самараси омад олиб келди. Мен музей ходими сифатида Ўзбекистонни бошқа кўшни республикалар билан солиштириб, мавжуд аҳволни таҳлил қилишга ҳаракат қиламан. Ва шунда амин бўламанки, Оллоҳ бизнинг юртимизга ўз баракасини сочган.


Энди ана шу бараканинг, мустақилликнинг қадрига етмоғимиз лозим. Бу бизнинг Ватанга фидойилигимизда, амалий ишларимизда ўз аксини топсин.

**Муборак МИРКАМОЛОВА.**

## АДАБИЁТ, САНЪАТ, БАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ СОҲАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ



**Адабиёт соҳасида** энг яхши насрий асарлар жанри бўйича:  
**Килич Нурмухамедов**, Қашқадарё вилояти болалар ва оналар шифонаси урология бўлими мудири.



энг яхши шеърий асарлар бўйича:  
**Акром Сатторов**, Наманган вилояти савдо ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитаси раиси ўринбосари.



энг яхши публицистик асарлар жанри бўйича:  
**Улида Юсупова**, Булоқбоши тумани халқ таълими бўлими ходими.

**Санъат соҳасида** энг яхши халқ амалий санъати бўйича:  
**Бахтиёр Содиқов**, Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи ходими.

**Собиржон Каримов**, Чуст тумани 13-мактаб ўқитувчиси.

тасвирий санъат бўйича:  
**«Фарҳод» маданият саройининг изостудияси.**

**Бадий ҳаваскорлик соҳасида** кўшиқчилик жанри бўйича:  
**Музаффар Тўлаганов**, Қибрай тумани маданият саройи ходими.

**Дилмурод Абдувалиев**, касаба уюшмалари санатория курортлар бошқармасининг «Турон» санаторийси клуб раҳбари.

**Малика Норматова**, Наманган вилояти мусиқа билим юрти лаборанти.  
**Шоира Шарипова**, Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими ходими.




университетининг **бадий жамоаси.**

мақом йўналиши бўйича:  
Мирзаобод тумани халқ таълими бўлими қошидаги «Наврўз» дастаси.

хор жанри бўйича:  
Навоий вилояти «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ширин» маданият саройининг **«Акдемик хор жамоаси»** вокал-чолғу дасталари жанри бўйича:

Навоий кон металлургия комбинати «Фарҳод» маданият саройининг **«Карвон» дастаси.** созандачилик бўйича:  
Навоий кон металлургия комбинати «Фарҳод» маданият саройининг **«Сказ» созандачилик студияси.**

хореография йўналиши бўйича:  
Навоий вилояти «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг **«Истиклол» ракс гуруҳи.**



## СЕВИМЛИ МАСКАН

Шахрихон туманида тадбиркорларнинг янги маркази очилди. Туман ҳокимлиги ва тадбиркорлар билан ишлайдиган қатор ташкилотлар ташаббуси билан барпо этилган мазкур марказ фаолияти ҳақида «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Мухторжон Усмонов шундай деди:

— Туманимизда уч мингдан зиёд тадбиркорлар ва фермерлар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 917 таси хусусий кичик корхоналар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан бандлар. Шунингдек 550 та фермер хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқда.

Тадбиркорлар тизимида юзага келган муаммоларни тез бартараф этиш, ўз фаолиятини янгидан бошлаётган кичик ва ўрта бизнес эгаларига ва фермерларга ҳуқуқий маслаҳат, замонавий жиҳозлар олишга бегараз ёрдам бериш, уч кун ичида барча зарур ҳужжатларни тайёрлаб беришда яқиндан кўмаклашиш ушбу янги марказнинг вазифасидир.

Хуллас, янги марказ тадбиркорларни ва фермерларни қизиқтирган барча масалаларда уларга амалий ёрдам бера олади, уларнинг малакасини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, марказда хоҳловчилар учун инглиз тилини бепул ўргатиш курслари мавжуддир.

**«Туркистон-пресс».**

## ДИЙДОР

Олдингизга келаётганимда ишларим ўз ўзидан юришиб, юмушларимни бир зумда бажариб қанот қоқиб учиб келгандай бўламан. Қўлимда баҳоликудрат топганларим. Сиз мени ота ҳам, она ҳам бўлиб кутиб оласиз. Бағрингизга сингиб кетгудек бўламан. Қўларингиздан севинч ёшлари томиб, юзингизни ювади, гўёки йўқлаганимдан бошингиз осмонга етади. Ташвишлардан, биз туфайли етган озорлардан қоматингиз бироз букчайган, озгандек туюлади. Тўйиб гаплашмоқчи бўламан.

Бўзван опа-сингиллар тўплаганиб, гурунглашиб қолсак, қувониб кетасиз. Яқин кунларда шу чоғроққина ҳовлида қувлашиб, ўйнашиб юрган, дунё ташвишларидан мутлақо беҳабар

мурғак қизалоқлар — бугунги кунда олди набирали бўлганлигига ишонгингиз келмайди. Ёстиққа ёнбошлаб олай, ҳар биригимизга астойдил тикиласиз. Эгачи-сингилларимга, ўз ташвишларида куйиб-пишиб сўзлаётган опамга термуламан. Унинг гап-сўзлари қўлгоғимга кирмайди. Яна ўша шўх қизалоқларга айланадими қолишинг қани илоҳи бўлса, дейман.

Дабдурустан суҳбатимиз ҳазил мутойибага айланиб кетади. Бир-биримизга ёстиқ отиб хандон отганимиз кўриб ташвишланасиз. — Ҳой, ким айтади сизларни олди неварали деб!

Бу безор хитоб қулонигимга кирмайди. Обдон шўхлик қилиб ҳазиллардан чарчагач, ҳасратлашишга ўтамиз. Кексалик энгиб, ёнбошлаганча кўларингиз уйғуға илинади. Биз эса гоҳ шивир-шивир, гоҳ ошқора суҳбатлар билан тонг бўзарганини сезмаймиз. Бир кеча-кундуз ҳаммамизга қанот бергандай хайрлашамиз.

**Умида ЮСУПОВА, кўрик-танлов голиби.**

**Сурнайчи яккаш яхшиликдан сўз очади ва унинг дуолари ёлғиз тўй-тантаналар ҳақидадир. Қайсидаир маънода «Хива гиламлари» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларини ҳам дуоғўй машоққларга менгзаши мумкин. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидорлар эканлиги ҳеч кимга сир эмас: биров қизининг сарпосига қўйса, бошқа бир одам яқин дўстининг туғилган кўнида унинг пойига тўшайди. Қадим шаҳар нафасини ўзи билан олиб кетаётган сайёҳларнинг эса сон-саногий йўқ.**

## ХИВА ГИЛАМЛАРИ

ЭЗГУЛИККА ВА ТҶЙ-ТАНТАНАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Дарҳақиқат, қўли гул гиламдўзларимизга санъаткорлар сафидан бемалол жой бериш мумкин. Дилрабо кўшиқлари билан элни ром этган хонанда каби гиламларимиз туфайли биз ҳам ўз меҳнатимиздан барака топмокдамыз, рўзгор тебратяпмиз ва энг муҳими, даромадимиз эртага бугунгига нисбатан кўпроқ бўлишига ишониб яшаётимиз.

Бундай дейишимизга барча асослар бор. Ўтган йили корхонамизда 1 миллион 90 минг квадрат метр гилам тўқиб чиқарилди. Режа ортиги билан бажарилиб, 2 миллиард 245 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Мавжуд акциялар учун 23 миллион сўмлик дивидент олинди. Албатта, бундай натижага ўз ўзидан эришилмади. Сифатга жиддий эътибор берилмаётганлиги боис ҳам маҳсулотларимизга бўлган талаб кескин ошди. Бундан авваламбор ишчи-хизматчиларнинг ўзлари манфаатдор бўлишмоқда, чунки олинган 41 миллион 957 минг сўм соф фойданинг катта қисми уларнинг эҳтиёжларига хизмат қилдирилиб, ижтимоий муаммоларнинг изчил ва ижобий ҳал этиб борилиши таъминланди.

Инсон қадр топган жойга меҳр қўяди. Касаба уюшмалари эса ана шу қадр дарахти ҳеч қачон синмаслиги, қуриб қолмаслиги, доимо барқ уриб яшнаши учун курашиб келмоқда. Истагимиз — бу дарахт мўл-мўл ҳосил берсин, барчамизга унинг соясида ором олиш насиб этсин. Жамоа шартномалари ҳамда маъмурият билан касаба уюшма ўртасидаги келишувларнинг ана шу руҳда тузилганлиги юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил — хоҳ катта, хоҳ кичик масалаларни зудлик билан, жойида ҳал қилиш имконини бераётир.

Бола йилгиласам, она сут берадимми? Лекин омада она асло боласини йиғлатиб қўймайди. Ўз билгича меҳр кўрғазди, боши узра парвона бўлади. Зеро, байрамлар ўз йўлига — биз ишчи-ходимларимизга ҳар кун, ҳар соат ҳамдард бўлишга, уларнинг оғирини энгил қилишга ҳаракат қилмоғимиз даркор. Масалан, ўтган йили хотин-қизлар учун 850 минг сўмлик кийимлар ажратилди, 55 кишига эса шифокорлар тавсияси билан парhez таом учун 280 минг сўм сарфланди, пенсияга чиққан фахрийларга бир ойлик маош мқдориди моддий ёрдам кўрсатилди.

Атоқли адибимиз Абдулла Қодирининг «Ўтган кунлар» асари қаҳрамонларидан бири тилидан айтилган «Бу даргоҳдан ҳеч кимса норози кетмасин» сўзлари шiorимизга айланган, десам муболага эмас. Корхонамизда эса бир ойлик умумий маошнинг ўзи 10 миллион сўмни таш-

кил этади. Ҳар хил мукофотлар ва тадбирларга сарфланадиган маблағларни қўшганда, бу микдор яна ҳам ортиб кетади. Беихтиёр савол туғилади: унда, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи қандай қилиб узилмоқда? Авваламбор ошхонамизда талон системаси жорий этилган. Касаба уюшма аъзоларининг таклифига биноан маошнинг 30 фоизига қадар пул ўрнига гилам маҳсулотлари берилиши ҳам мавжуд муаммо ечимига хизмат қилмоқда.

Афсуски, ҳаёт ўйин-кулги ва тантаналардангина иборат эмас. Бибижон Панаева ҳам қисмат зарбига дуч келган афтодаҳол аёллардан. Ташвишли сонияларда қўллаб-қувватловчинг бўлмаса, оғир. Бибижон корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасидан паноҳ топди. Дарҳол иш билан таъминлаб, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмагимизни аямодик. Сал кунда ёлғиз аёлнинг туриш-турмушига мазмун кирди, чехрасида ранг пайдо бўлди...

Гиламчилар шаҳарчамизга бугун ҳамма ҳавасланиб қарайди. Унинг тобора гуллаб-яшнаб бораётгани аслида Илҳом Аҳмедов бошлиқ корхона раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган фаровонлик дастурининг нақадар изчиллик билан амалга оширилаётганини тасдиқлайди. Бу ердаги битта мактаб ва иккита болалар боғчасига ҳомийлик қилинмоқда. Боз устига, ишчи-ходимларимизни газ, сув, электр ҳақларини тўлашдек оворагарчиликдан халос этганмиз. Бу ташвишни ҳам корхона бухгалтерияси ўз зиммасига олган.

Юртбошимиз ташаббуси билан Соғлом авлод йили деб эълон қилинган йилга мўлжалланган тадбирларимизда қуйидаги бандлар бор: болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларга йўланмалар қийматини қисман қоплаш; кўп болали, ёрдамга муҳтож ёлғиз бева аёллар учун ижтимоий ҳимоя жамғармасини ташкил қилиш; ишловчиларни транспорт воситаларида бепул ишга олиб келиш ва ишдан кейин уйларига элтиб қўйиш; меҳнат таътиллари 28 кунга тўлдириш; ишчилар ошхонасида таомларни арзонлаштиришга эришиш...

«Хива гилами»нинг келажаги янада порлоқ. Яна бир неча ойлардан сўнг корхонага ўрнатила бошланган янги замонавий дастгоҳлар ишга тушгач, маҳсулот сифати ҳам тубдан яхшиланади. Бу, демакки, яшаш ва ишлаш янада завқли бўлади.

**Озодаҳон ОТАЖОНОВА,** «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

## Меҳнат ардоқлаган кишилар

### БАРАКА ЙЎЛИ

Инсон болалиги қушларнинг полопонлик даврига ўхшаб кетади. Қанот чиқарган қушлар олис-олисларга учиб кетгани каби одам боласи ҳам хаёл ва тафаккур кенгликларидан орзу-умидларига қароргоҳ излайди.

Мамадиёр ака асли Пайарикда тугилиб ўсган. Бегубор, энг ширин дамлари шу гўзал ва сўлим гўшда кечган. У кўпинча чексиз само кенгликларига тикилганча ўй сурарди. Феруза осмонга боқиб, ҳайрат ва ҳавасга ботган.

Мақсадга ўқув-идрок, кунт, ирода ва машаққат туфайли эришиш мумкинлигини англаб етган. Амалда ҳам шундай бўлди. Юксак чўққиларни кўзлашдан чарчамади. Қишлоқ хўжалик техникани минни тамомлагач, бу ёғига фақат ишни билди.

Мамадиёр Усанов 10 йилдан бун «Соҳибкор» хўжалигида пахтачилик бригадасига саркорлик қилиб келади. Ўтган йиллар мобайнида галла, пахта ҳосилдорлиги 30 центнердан 45 центнерга етказилди. Зиммага олинган режа ва мажбуриятларнинг бирон-бир йил бажарилмай қолганлигини ҳеч ким эслаб олмайди. Тўғри, одамлар орасида унинг қўлга киритган меҳнат ютуқларига аввалдан шубҳа билан қаровчилар ҳам топилди. Нима бўлганда ҳам Мамадиёр ака бу эзгу ишлари билан ҳеч маҳал мақтанган эмас. Унинг учун ўз аъзоларининг фикр-уйига қулоқ солгани фойдалирок. Шу боис, меҳнат қилишдан, янгилик топшишдан асло эринмайди. Бригадада меҳнат қилаётган кам таъминланган оилаларни мухтазам равишда рағбатлантириб боришни ўз бурчи деб билади. Жумладан, ёш оилаларга 0,5 гектардан тоқор ажратиб берилган. Шунингдек, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ҳозирда кексалик гаштини сураётган қариялар ҳолидан хабар олиб туриш одат тусига кирган.

— «Уйда фароғати йўқининг кўчада ҳоловати бўлмайди» деб бежиз айташмайди, - мушоҳадага чўмади Мамадиёр ака. - Одам ўз меҳнатларидан барака топсагина, ишлаб чарчамайди.

**У.ЖУМАЕВ.**

Тошкентда 20 апрелдан 23 апрелгача шу мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтади. Конференцияда МДХ давлатлари ҳуқуқматлари, Фуқаро авиацияси соҳаси вазириликлари ва идоралари

## АВИАЦИЯДА ЮК ТАШИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ри, боғхона ташкилотлари вакиллари, авиация саноатининг йirik корхоналари ва дунёнинг етакчи авиакорпорациялари раҳбарлари, шунингдек, Халқаро авиацияда юк ташиш уюшмасига аъзо/ТИАКА - хорижий компаниялар вакиллари иштирок этади.

Анжуман Халқаро авиацияда юк ташиш уюшмаси /АКШ/, ТИАКАнинг МДХ давлатлари бўйича бўлими /Россия/, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти ва «Авиализинг» авиакорпорацияси /Ўзбекистон/ томонидан ташкил этилган.

Конференцияда довамоди кенг қўламдаги масалалар, жумладан, МДХ ҳудудида ишлаб чиқарилаётган авиация техникаси жаҳон савдосини ривожлантириш истиқболлари, учми хавфсизлигини таъминлаш, боғхона тартибининг замонавийлаштириш муаммолари каби масалалар кўриб чиқилади. Конференцияда асосий эътибор авиация орқали юкларни етказиб бериш имтиёзларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган ҳамкорлик истиқболларига қаратилади.



### ЎЗБЕГИМ ФАХРИ

Ўлкам, ирмоқларнинг сони кўп сенда,  
Кубро, ал-Хоразмий, Махмуд Пахлавон...  
Шоир Аваз Ўтар улгайган кунда,  
Яна бир ирмоқдан сув ичган жаҳон.

Дилга бор меҳрингни сингдириб там-там,  
Бизни-ку бошладинг ажиб чоғларга.  
Энди ким агарда бўлса мустаҳкам,  
Ирмоқ бўлиб ҳаёт элтар боғларга...

### МАНЗАРА

Яшин чақнаб, турса гар бўрон,  
Кўкни булут қопласа тамом,  
Гулдираса самовий сурон,  
Осмон бўлса жўшқин, беором,  
Ёмғир ё қор ёғишдан хабар.

Ер уйгонса, майса уйгонар,  
Яшил рангни кўмсаб табиат.  
Қир-адирда лола товланар,  
Кўклам келар қалдирғоч-ҳаёт,  
Баҳор берар ўсишдан хабар.

Ҳодисалар бўлмас бесабаб,  
Сабабсиз йўқ сира оқибат.  
Илҳом келар вужудни қамраб,  
Натижа — пайдо бўлар байт,  
Илҳом тошар — ёзишдан хабар.

Очилгайдир озод ўлкамда,  
Муаммолар сири бирма-бир.  
Бугун ўйин-кулугу теграмда,  
Юлдузлардан сас келаётди -  
Этироф ва алқишдан хабар.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Термиз туманидаги Дўстлик жамоа хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Ушбу шифо масканида барча кулайликлар мавжуд. Маскан замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Кундузги стационарнинг ишлаб туриши, уруш қатнашчилари, ногиронларга алоҳида хизмат кўрсатилиши кўпчиликка маъқул келмоқда.

Суратларда: 1.Бош ҳақим Муяссар Қодирова. 2.Врачлик пунктининг умумий кўриниши.

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат



Юртимизда она ва боланинг соғлигини муҳофаза этиш ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳар йилнинг бошланғичдаёқ шу мақсад йўлида катта маблағ ажратилади. Лекин, қишлоқларимизда ҳамон хаста оналар, хаста болалар кўп. Нега шундай? Ахир она ва фарзанд саломатлиги учун аёлнинг ўзи ҳам қаттиқ туриб курашмаса, у ўз-ўзига ёрдам бермаса, барча сая-ҳаракатлар бекор кетаверади-ку?

Қишлоққа борган кезларимда Санам момом билан шу ҳақда сўзлашмиш. Турмушнинг ачиқ-чучугини кўб тоғиб кўрган бу табаррук момо аёлнинг фазилати бола туғиб тарбиялашда деб билди. Ўзи ҳам ўн беш фарзанд кўрган. Тўртвини ерга бериб, ўн бирини элга қўшган. Хуллас, суҳбатимиз қизиқ кетади.

— Момо, илгарилари лўлиларнинг ҳаёти қизиқ бўлган экан. Бола кўрса, ўзига-ўзи доялик қиларкан. Бир лўли хотин тоғдан ўтин териб қайтаётди, йўлда кўзи ёрибди. Шунда у чақалоқни бошидаги рўмолига йўрғақлаб, ўтин устига ётқизибди-да, уни кўтариб йўлида давом этибди.

— Эҳ, болам-а. Бир пайтлар биз ҳам бугун кўзимиз ёрса, эртасигаёқ дала юмушига чиқиб кетаверардик. Икки боламни пахта териб юриб, эгат ичида тўққанман. Ҳукуматдан айланай, энди болали аёлларни яратиб, нақ уч йилгача таътил бериб қўйибди.

— Момо, Солиа холянинг кенжа ўғлини яқинда шаҳарда кўрдим. «Кизалоқларнинг катта бўлишганими?» десам, «Э, она, ундан кейин яна икки ўғил бўлди» дейди. Тавба, ҳали ўттизгаям кирмагану, бешта боланинг отаси бўпти. Келиннинг авхололини ўйлаб ичим ачишди...

— Нега ичинг ачишаркан? Аёл киши ҳар фарзанд кўрганида гулдай очилади, - дейди момо. ...Орадан бир неча

ўйламадингизми?» деди. — Билмасам, - деди келинимиз ийманиб. — Болаларингизнинг ўсиши қалай? Ҳар бирига қанча вақт кўкрак сути бердингиз? — Ҳеч сутим етмасди, - деди келин. - Кейин кўшимча овқат берардим. Шу кичкинама келганда... Умуман сутим кўриб қолди. Дўхтир бош чайқади. Унинг айтишича, ахвол анча жиддий. Беморимиз танасида камқонликдан бошқа хасталиклар ҳам бор. Ётиб

қараганда, жисм хасталигини ақсарияти руҳ беморлиги оқибатидадир! Мутахассис шифокорлар эса хромилдорликнинг биринчи ярмида кучли салбий ҳиссиётларни бошдан кечирган оналардан туғилган гўдаклар жуда асабий бўлиб вояга етишларини тасдиқлайдилар. Демак, аёл ўз руҳиятини тарбиялаши ва бу нарса туғилажак фарзандларининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлишида муҳим аҳамият касб этишини унутмаслиги зарур!

Аёллар ўртасида экстрогенитал хасталиклар, айниқса камқонликнинг кўп учрашига атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳам сабаб бўлмоқда, дейишдади шифокорлар. Бунинг яна бир сабаби эса аёлнинг ўз «экология»сига лоқайдлигидир. Гигиенага кўп амал қилвермаймиш биз. Бу эса хасталик пайдо бўлишига имкон яратади. Қишлоқларда сочидан тирноғича тирикчилик ташвиши билан банд бўлган аёлнинг гигиена ҳақида ўйлаб кўришга вақтиям йўқ. Баян эса, балки давлат аҳамиятига молик бўлган масъулиятли вазифа-ку! Миллат соғлиги учун курашишдан аввал ўз соғлигини мустаҳкамлаши зарурлигини қачон англаб етди у?

Психологларнинг гапига даволанмаса бўлмасмиш. Хуллас, шу кунгича уни шифононага жойладик. Узоқ вақт даволанди...

Бемор қариндошимиздан хабар олиб қайтаётганимда, ҳар гал Санам момо гапини эслайман. «Аёл ҳар бир фарзандини дунёга келтирганидан сўнг гулдай очилади!» Гулдай очилгани яхшику... Лекин, табиий ҳолатига пугур етганида гул ҳам сўлиқди, саргайди! Хўш, бу хаста аёл энди қачон ўзини ўнглаб олади? Ахир фарзанд тарбиялаш шунчалик оддий иш эмас, балки давлат аҳамиятига молик бўлган масъулиятли вазифа-ку!

Миллат соғлиги учун курашишдан аввал ўз соғлигини мустаҳкамлаши зарурлигини қачон англаб етди у?

Психологларнинг гапига даволанмаса бўлмасмиш. Хуллас, шу кунгича уни шифононага жойладик. Узоқ вақт даволанди...

Бемор қариндошимиздан хабар олиб қайтаётганимда, ҳар гал Санам момо гапини эслайман. «Аёл ҳар бир фарзандини дунёга келтирганидан сўнг гулдай очилади!» Гулдай очилгани яхшику... Лекин, табиий ҳолатига пугур етганида гул ҳам сўлиқди, саргайди! Хўш, бу хаста аёл энди қачон ўзини ўнглаб олади? Ахир фарзанд тарбиялаш шунчалик оддий иш эмас, балки давлат аҳамиятига молик бўлган масъулиятли вазифа-ку!

Миллат соғлиги учун курашишдан аввал ўз соғлигини мустаҳкамлаши зарурлигини қачон англаб етди у?

ни қадрлайди, «Ифлос жойдан фаришта қочади» деган ақида билан яшашиди. Биз аёллар соғлигимиз ёмонлашганининг бир учи озодликка амал қилмасликка бориб тақаланиши сезмаймиш гоҳида...

Кўклам кунларининг бирида бозордан исмалоқ харид қилаётди, раста ортидаги аёллар суҳбати кулоғимга чалинди.

— Бир ойдан бери шуни бозорда сотаман, ҳали болаларимга исмалоқ сомса қилиб беролганим йўқ.

— Нега? - деб сўради ёнидаги аёлнинг гапидан ажабланиб.

— Кундузи болалар кирдан териб келишди. Мен кечаси билан ювиб, саралаб, боғлайман. Эрталаб бозорга чопаман. Ҳар кун шу ахвол...

Қаранг, бир ойдан бери исмалоқ билан савдо қилаётган аёлнинг ўзи ҳали бу неъматдан бир марта ҳам тоғиб кўргани йўқ! Аёлларимиз қачон ўзининг ва болаларининг соғлигини ҳар нарсадан кўра муҳим деб ҳисоблайдилар? Қачон?!

Ўзининг жамиятга керак эканини қай пайт англаб етди у? Аёл соғлом бўлгандагина фарзанди соғлом бўлиб туғилиши, шундагина у дунёга келтираётган миллат кучли ва баркамол ўсишини тушуниб етармикан аёлларимиз? Бунинг тушуниш аёл албатта ўз-ўзига ёрдам беради! Ўз соғлиги учун ўзи қайғуради. Фарзандини авайлаб-асрайди. Шу аснода жамият бахти учун курашади...

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

### БАХМАЛДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Оқ чойшаб ёпинган Ойқор тоғи бағридаги Усман шаҳарчаси кун сайин чирой очмоқда. Бир томонда турар жой, бир томонда маданий-маиший бинолар қад ростлапти. Булар орасида уч қаватли касб-хунар коллежининг янги биноси алоҳида салобат касб этмоқда. Ушбу замонавий бино «Таълим тўғрисида»ги Давлат дастури асосида бунёд этилмоқда. Уни Абдуразоқ Муродов раҳбарлик қилаётган 65-механизациялашган кўча қурилиш жамланмаси жамоаси бунёд этмоқда.

Бахмал тумани марказида қурилаётган 450 ўринли ушбу коллеж 5 та корпусдан иборат бўлиб, ҳозир унинг 2 таси тиклаб қўйилди. Келажақда иқтисодчи, ҳисобчи, технолог, фермерлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган билим даргоҳи биноси мустақиллик кунига фойдаланишга топширилади.

Коллеж фаолиятини яхшилаш мақсадида ушбу даргоҳга 20 гектар ер ажратиб берилди. Бу ердан ёрдамчи хўжалик сифатида фойдаланилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади.

### Фазилат

## ҲАММА ШУНДАЙ ЯШАСА

Аҳли башарнинг қалбида орзулар ҳамиша бисёр. Уларнинг энг улуғи элда обрў-эътибор қозонмоқдир. Шу жиҳатдан қараганда, Хуршида опа Субҳоновани ҳар ҳолда ниятига етган деса бўлади. Бугун умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган онанинг нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ҳурмати баланд. У қай даргоҳга қадам қўйса, бир шогирди пешвоз чиқади. Қишлоқ одамларининг ҳар бири эса уни чин маслаҳатгўй билишади. Аслида ҳам инсонга эл эъзозидан улугроқ муқофот бўлмайди.

Тайлоқ туманининг Мулкиявз қишлоғидаги 3-ўрта мактаб ишга тушганидан сўнг дастлабки йилларда раҳбарга ёлчимади. Уша вақтда ишлаганлар шундай дейишди. Хуршида опа эса 1971 йилдан буён кимё фанидан сабоқ берар эди. Таълим жараёнида эришайётган натижалари кўпчилигининг эътиборига тушганди. Масалан, мактабнинг уша вақтдаги ўқувчиси Насиба Бақоева Фарғонада бўлган республика олимпиадасида оқори натижага эришди. Вилоят олимпиадаларидаги муваффақиятлардан эса кўпчилик мамун эди.

Буларнинг ҳаммаси мактабимизнинг собиқ директори Саври Шукуров, тажрибали ўқитувчилар Рухсора Шаронова, марҳум Наим Қаюмов каби устозларнинг таърибига таянганни туфайли насиб этди, - дейди Хуршида Субҳонова. - Уша вақтларда ҳам фанга қизиққан ўқувчилар билан фан тўғрисидаги алоҳида машғулотлар ўтардик.

Ун беш йиллик иш таърибага эга бўлган Х.Субҳоновани бир кун тумандаги раҳбар идораларга чақирди. Шундан сўнг тез орада у мактаб директорлигига тайинланди.

Каттагина жамоага раҳбарлик қилиш осон эмасди. У Бобоқул Назаров, Қаюм Латипов каби обрўли ўқитувчиларга ёндошди. Аввало мактаб муаммоларини ҳал қилишга бел боғлади. Ўтган йиллар давомида кўк

базасини кенгайтиришга, 6 та кўшимча синф хоналари қурдиришга, иситиш тизимини яхшилашга ва газ ўтказишга эришди. Таълимда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўқитиш, тарбия ишларида миллийликка эътибор берилди. Туманда шу мактабда биринчилардан бўлиб компьютер синфини жиҳозлади. Ота-оналар, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик изчил йўлга қўйилди. Шу туфайли ўқувчиларнинг билими юқори, ахлоқи юксак бўлмоқда. Ҳар йили мактаб битирувчиларининг 10 нафардан зиёди олий ўқув юртиларига ўқишга кирмоқда. Бунда мактаб раҳбари билан бир қаторда Тоштемир Саидов, Абдуқолиқ Ҳамидов, Санобар Сатторова, Ҳамроҷуқ Содиқова сингари ўнлаб фидойи ўқитувчиларнинг ҳам хизмати катта, албатта.

Мактабда бўлганимизда, бизга суҳбатдош бўлган ўқитувчилар эътиборга лойиқ бир гапни айтишди. Хуршида Субҳонова ўқитган ўқувчиларнинг 50 нафари бугунги кунда олий маълумотли шифокор, 10 дан ортми кимёгар, жумладан, 2 нафари фан номзоидир. Бу меҳнатлар бесамар кетмади. У Ўзбекистон халқ маорифи аълоси, вилоят Нодирбаегим муқофотига муносиб қўрилди. Ярим асрлик умрининг 30 йилини мактабга бағишлаган Х.Субҳонова ҳали ҳам ғайратли. У мактаб муаммолари ҳақида, ёшларнинг келажаги ҳақида, ўқитувчиларнинг обрўси ҳақида қайғуришдан тўхтамайди. Айниқса, мактабларда ўқитувчилар етишмаётгани, таълимнинг моддий базасини мустаҳкамлаш масалалари уни кўпроқ қийнайдди. Унинг бўш вақти йўқ ҳисоби. Мактабдан қайтган, жажжи неваралари, рўзгор ташвишдан ортмайди. Дарвоқе, у икки қизи ва бир ўғлининг камолидан жуда мамнун. Илло, ҳар кимга бир умрлик меҳнатнинг роҳатини, фарзандларнинг ҳузурини қўриш насиб этсин, деб ният қилмоғимиз жоиздир.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

# АЁЛ ЎЗ-ЎЗИГА ЁРДАМ БЕРСА

авлод соғломлигига ҳисса қўшган бўлур эди

## БУЮК МЕРОС СОҲИБЛАРИ

Республика «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси Тошкент Давлат техника университети билан ҳамкорликда «Буюк мерос соҳиблари» номли ижодий учрашув ўтказди.

—Жамиятнинг ривожланиши ва тараққиётида маънавият ва маърифатнинг ўрни беқиссидир, - деди, жумладан университет ректори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты Тўлқин Мирқомиллов. — Бу икки сифати юксак бўлган халқ буюк халқлар сирасига қиради. Маънавият эса қадим меросимиз билан боғлиқ.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али чикиши ҳам ййилганларда яхши таассурот қолдирди.

— Биз буюк мерос соҳибларимиз, - деди у. - Шу боис уни асраб-ардоқламоғимиз, келажақ авлодга ўз ҳолича ет-

казмоғимиз лозим. Учрашувда иштирок этган шарқшунос олима Муборак Юнусқужаева ва «Олтин мерос» жамғармасининг Таригот ва халқаро алоқалар маркази раҳбари Насиба Усмоноваларнинг маърузалари эса мунозараларга сабаб бўлди.

Ижодий учрашув иштирокчилари жамғарма қошида ташкил этилган, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедова раҳбарлигидаги «Муножот» миллий рақс дастаси ижросидаги «Дилхироқ», «Тановор», «Хоразмча» каби мумтоз рақслардан маънавий озуқа олдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулайҳо Бойхонова ва хонанда Эркин Рўзиматовларнинг мақом йўлида ижро этган қўшиқларини ҳам томошабинлар илиқ кўтиб олдилар.

**М. УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.**

## Шифобахш неъматлар

### Кони Фойда

Шарқнинг буюк олими, табобат илмининг билимдони Абу Али ибн Сино «Китоб алқонун фит-тибб» яъни «Тиб қонунлари» асариди ўсимликлар таркибидидаги дармондориларнинг инсон организми учун фойда зарурлигини ҳамда безарар ва латиф таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Хусусан турп ҳақида шундай дейилади:

...Турпнинг қайнатилгани эски йўталга фойда қилади, уруги қустиради. Барги ва баргининг суви жигардаги тикилмаларни очади, сарик касални йўқотиб, жигар оғриғини тўхтатади.

## Шифобахш неъматлар

### Кони Фойда

Кайнатиб пиширилгани шамоллашга, ўпка касаллигига қарши воқеатидир. Асал билан аралашгани эса турли жараҳатларга малҳам ҳисобланади.

Турп қизамиқ, бронхит, ўпка касалликлари ни даволашда ҳам ижобий натижалар беради. Унинг қиёмини оғрик қолдирувчи воқеа сифатида ревматизм, подагра, нерв толаларининг шамоллашида баданга суртиш тавсия этилади.

Турп қиёмини тайёрлаш учун 3 ош қошиқ

бўлади. Бу муолажани уч ой давом этириш лозим.

Халқ табобатида йўтални, нафас олиш йўллариининг шамоллашини даволашда турп шарбатида асалдан тенг миқдорда аралаштириб, кунига 3-4 марта бир ош қошиқдан истевомол қилиш тавсия этилади.

Ичи ўйилган турпга асал солиб қўйилгач бир неча соатдан кейин ҳосил бўлган суоқлик пешоб йўлидаги майда тошларни туширишда ҳам фойда беради.

**С.ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси Қорақалпоғистон республикasi таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси қўмитасининг етакчи мутахассиси Уми-тай Давлетовага турмуш ўртоғи

**Ерсаин ИБРАГИМОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**  
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари -Ишонч-Доверие), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Котибона: 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нарх кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғривоҳона берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концернини босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 23.00